

SCIENCE PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ S/2 (3) - 2023

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES



ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

№ S/2 (3)-2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

Специальный выпуск

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES
Special Issue

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Гайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарқанд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Crossref DOI:

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

Google Scholar

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com
Телеграм канал: https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

Рахманова Мавлуда Эркин қизи СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССРГА ХАЛҚЛАРНИ МАЖБУРИЙ КЎЧИРИШ СИЁСАТИ ТАРИХШУНОСЛИГИ.....	9-16
Икромжонов Акмалжон Махмуджонович ФАХРУДДИН ЎЗЖАНДИЙ ЯШАГАН ДАВРДА МОВАРОУННАҲР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВАЗИЯТ ВА ИЛМ ФАН РИВОЖИ.....	17-25
Холдоров Зоҳиджон Валижон ўғли ТУРКИСТОН ЛЕГИОНИНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ТАРИХИДАН.....	26-34
Хамидова Дилфуза Улуғбек қизи НОМОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС ИЖОДКОРЛАР НИГОҲИДА.....	34-41
Nag'ashboyev Qazbek Bozorboy uli SULTON RAHMONOV – SAYYORANING ENG KUCHLI ODAMI.....	42-49
Махмудов Махмуд Авазович ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ ШАРОИТИДА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ТАБАҚАЛАШУВИ.....	50-58
Mamatov Bektosh Tolibjon o'g'li YALANGTO'SH VANODIR VA ASHTARXONIY HUKMDORLAR.....	59-66

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Muminova Elnoraxon Abdukarimovna “YASHIL” IQTISODIYOTGA O'TISHNING HORIJY TAJRIBALARI.....	66-75
Файзуллоев Мирсаид Шухратович СОЛИҚ НАЗОРАТИ ТИЗИМИДА КАМЕРАЛ СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ.....	76-85
Кахарова Нилуфар Эркинжоновна ОКР МЕТОДОЛОГИЯСИ ХАҚИДА ТУШУНЧА, МАҚСАДИ, АФЗАЛЛИГИ, ЖАРАЁНДАН КУТИЛАДИГАН НАТИЖАЛАР.....	86-91
Насруллоев Ҳаётжон Хабибуллоевич СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИГА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ОРҚАЛИ СОЛИҚ БАЗАСИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....	92-99
Rahmonov Mirvoxid Rajabovich HUDUDNING INVESTISION JOZIBADORLIGI OMILLARINI EKONOMETRIK MODELLASHTIRISH.....	100-107
Насруллоев Ҳикматулло Хабибуллоевич ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ УЧУН ЗАМОНАВИЙ РАҚАМЛИ ЕЧИМЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....	108-115
Тоштемиров Шохруҳ Тошпўлатович ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ КАПИТАЛ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВНИНГ АҲАМИЯТИ.....	116-120

Насимов Равшанжон Азимович МАМЛАКАТИМИЗДА СОЛИҚ ЮКИНИНГ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	121-130
Nabieva Nilufar Muratovna MARKETING AUDIT AND ITS IMPACT ON IMPROVING THE COMPETITIVENESS OF THE COMPANY.....	131-139
Отамуродов Нуриддин Нажмиддинович КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ COVID-19 ИНҚИРОЗ ДАВРИДА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА СОЛИҚҚА ТОРТИШ МАСАЛАЛАРИ	140-148
Hoshimov Jahongir Ravshanbek o'g'li TO'G'RIDAN – TO'G'RI HORIJY INVESTITISYALARNI JALB QILISHDA MAMLAKAT XATARLARINI KAMAYTIRISH.....	149-155
Yusupov Farruxbek Farxodovich O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA SOLIQ MA'MURCHILIGIDA SOLIQ TO'LOVCHILARGA XIZMAT KO'RSATISHNI TAKOMILLASHTIRISH YO'LLARI.....	156-162
Kunduzova Kumrixon Ibragimovna KICHIK BIZNES KORXONALARIDA MOLIYAVIY REJALASHTIRISH VA BYUDJETLASHTIRISHNING XUSUSIYATLARI	163-172
Зиёдинова Нилуфар Зариф қизи ИНВЕСТИЦИОН ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИНГ ЎРНИ	173-179
Насимджанов Юнусжон Зоҳидович МАМЛАКАТИМИЗ ҲУДУДЛАРДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ЕР СОЛИҒИ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	180-187
09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ	
Ҳакимов Акмалжон Мирзағаниевич ЦИВИЛИЗАЦИЯ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ГНОСЕОЛОГИК МОҲИЯТИ	188-192
Холмирзаев Нодиржон Низомжонович УРБАНИЗАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ	193-198
Voboqulov Abror Abdug'ani o'g'li “OPEN ARTIFICIAL INTELLIGENCE GPT” TIL MODELINING FALSAFIY Tahlili	199-204
Ялгашев Бунёд Махмудович САМАРҚАНД ВОҲАСИ ЭТНИК ГУРУҲЛАРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА УЛАРНИНГ ЯШАШ ТАРЗИ	205-213
Safarov Maqsudali ABU BAKR AR-ROZIYNING “TIBBI RUHONIY” (RUH TIBBIYOTI) ASARIDA G‘AZABNI VA INSONNING O‘Z KAMCHILLIKLARINI BARTARAF QILISH HAQIDA MULOHAZALAR	214-219
Сохибова Лола Жонибоевна ШАХС МАДАНИЙ САВИЯСИ – МАДАНИЙ РИВОЖЛАНГАНЛИК ИФОДАСИ	220-224

Адашова Махсума Махмудбоевна
ИМОМ АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙ ВА МОТУРИДИЙЛИК ТАЪЛИМОТИ – ДУНЁ
ОЛИМЛАРИ НИГОҲИДА.....225-231

Mukhammediyarova Akhmaral
PHILOSOPHICAL ANALYSIS OF THE CONCEPT OF NOOSPHERIC DEVELOPMENT IN THE
ECOLOGICAL AND GLOBAL SECURITY SYSTEM.....232-239

10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Tilovov Ozod, Isoqulova Gulxon
FRAZEOLOGIK BIRLIKLARDA SONLARNING QO‘LLANILISHI VA ULARNING RAMZIY
MA‘NOLARI.....240-245

Surmilova Elena
GENDER STUDIES IN LINGUISTICS AND THEIR APPLICATION IN ENGLISH LANGUAGE
TEACHING246-252

Олимова Дилафрузхон Бахтиёржон қизи
ТИЛШУНОСЛИҚДА БАҲО КАТЕГОРИЯСИ ВА УНИНГ ЎРГАНИЛИШИ253-257

Djurayev Dilshod Mamadiyarovich, Radjabova Madinabonu Raimovna
XITOIY TILI GRAMMATIKASIDAGI “NATIJA TO‘LIQLOVCHISI (结果补语)”258-262

Azzamov Yusufjon Radjaboy o‘g‘li, Jo‘rayeva Xayriniso Shavkat qizi
EKOJURNALISTIKANING QO‘LLANILISH KATEGORIYALARI263-268

Fillipova Olga Igorevna
CONVERGENCE OF STYLISTIC DEVICES AS A CATEGORY OF REDUNDANCY.....269-278

Ismoilova Dilorom Rustamjon kizi
LEXICAL UNITS OF THE SEMANTIC FIELD “MURDER”279-285

12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР

Ильясов Баходир Ильясович
ELEKTRON DAVLAT XIZMATLARINI KO‘RSATISHNING TASHKILY-HUQUQIY MEKANIZMI VA
UNING RIVOJLANISH YO‘LLARI286-293

Чориева Хуршидабону Хуррам қизи
ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ
ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДА ИШТИРОКИ294-299

Хаётов Анвар Хусанович
ХАЛҚАРО ОЛИМПИА ҚЎМИТАСИНИНГ МУХТОР МАҚОМИ ВА ТУРЛИ ҲУҚУҚ
СУБЪЕКТЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ300-307

13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

Журабекова Хабиба Мадаминовна
РЕЧЕВАЯ АКТИВНОСТЬ КАК ВАЖНЫЙ ФАКТОР КОММУНИКАТИВНОЙ
КОМПЕТЕНТНОСТИ308-315

Tursunova Aziza Xoshimovna WEB TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA BILIMNI NAZORAT QILUVCHI DIDAKTIK VOSITALAR YARATISH USULLARI	316-321
Oblanazarov Faxriddin Asadovich FUTBOLCHILARNI TAYYORLASHDA TA'LIM VA MASHG'ULOTNING ASOSIY QONUN- QOIDALARINI AMALGA OSHIRISH	322-329
Isroilova Dildora Muxtarovna, Solijonova Dildora Ulugbekovna IJTIMOIY-SIYOSIY MATNLAR TARJIMASINI O'QITISHDA LINGVOMADANIY OMILLARNING O'RNI	330-335
Satvoldiyev Faxriddin Akbarali o'g'li MAKTAB O'QUVCHILARI HUQUQIY TA'LIM – TARBIYASINI SHAKLLANTIRISH BORASIDA OLIB BORILGAN TAJRIBA SINOV ISHLARI NATIJALARINING PEDAGOGIK TAHLILI	336-342
Jurayev Bobomurod Tojiyevich SHARQDA PEDAGOGIK FAOLIYATNING MAYDONGA KELISHI VA RIVOJLANISHI	343-350

09.00.00 – Фалсафа фанлари

Холмирзаев Нодиржон Низомжонович

Тошкент давлат техника университети Қўқон филиали
“Ижтимоий ва аниқ фанлар” кафедраси мудири,
Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: nodirjon86.86@mail.ru

УРБАНИЗАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Мақолада шаҳарлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатининг мустақилликдан шу кунгача бўлган даври, унинг ўзига хос хусусиятлари, ривожланиш тенденциялари ва келажакка белгиланган вазифалар, ҳамда соҳа билан боғлиқ таклиф, тавсиялар хусусида сўз юритилади.

Таянч сўзлар: Урбанизация, реновация, ақлли шаҳар, арзон уй-жойлар, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Ҳаракатлар стратегияси” ва “Тараққиёт стратегияси” яшил макон, “шаҳарлар қулайлиги”.

Холмирзаев Нодиржон Низомжонович

Заведующий кафедрой «Общественных и точных наук»
Коканского филиала Ташкентского государственного
технического университета, доктор философии
по философским наукам, (PhD)

ГОСУДАРСТВЕННАЯ ПОЛИТИКА В УРБАНИЗАЦИИ И ЕЁ ОСНОВНЫЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ

Аннотация. В статье рассматривается период государственной политики в области урбанизации с момента обретения независимости до наших дней, ее особенности, направления развития и задачи на будущее, а также предложения и рекомендации, относящиеся к данной сфере.

Ключевые слова: Урбанизация, реновация, умный город, доступное жилье, “Обод кишлак”, “Обод махалы”, “Стратегия действий” и “Стратегия развития”, зеленые насаждения, “удобство городов”.

Kholmiraev Nodirzhon Nizomzhonovich

Head of the Department of "Public
and exact sciences" of the Kokand branch
Tashkent State technical university,
Doctor of Philosophy, (PhD)

STATE POLICY IN URBANIZATION AND ITS MAIN CHARACTERISTICS

Annotation. The article discusses the period of state policy in the field of urbanization from the moment of gaining independence to the present day, its features, directions of development and tasks for the future, as well as proposals and recommendations related to this area.

Keywords: Urbanization, renovation, smart city, affordable housing, “Obod qishloq”, “Obod mahalla”, “Action strategy” and “Development strategy”, yashil makon “convenience of cities”.

DOI: <https://doi.org/10.47390/B1342V3SI2Y2023N24>

Кириш

Мамлакатимиз сўнгги йилларда кўплаб соҳаларда ютуқларга эришиб келмоқда. Бунга сабаб сифатида олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг натижалари эътироф этилади. Тан олиш керак сўнгги йилларда асрларга татигулик ишларни амалга оширдик. Хусусан шаҳарлаштириш соҳасида ҳам улкан ютуқлар қўлга киритилди.

Бугун мамлакатимизда шаҳарлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати устивор аҳамият касб этиб бораётган йўналишлардан бирига айланди. Яъни мамлакат ривожини йўлида шаҳарларнинг тараққиёти катта аҳамият касб этишини барчамиз яхши биламиз. Зеро урбанизация даражасининг 1 фоизга ортиши ялпи ички маҳсулот ҳамда даромадлар даражасини бир неча фоиз ўсишига сабаб бўлишини дунёнинг урбанизацион тараққий этган давлатлари исботлаб бўлишган. Ҳозирги вақтда улардаги улкан муваффақиятлар ушбу давлатлар томонидан урбанизацион сиёсатнинг тўғри бошқарилганлиги натижасидир.

Адабиётлар таҳлили ва методология

Давлатимиз раҳбари ташаббуслари билан урбанизацион сиёсатда қатор янги лойиҳалар фаолият олиб бора бошлади. Улардан “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурларини, арзон уй-жойлар сиёсатини, мораторий эълон қилиш амалиётини айтиш мумкин. Шу билан бирга айни соҳадаги ислохотларни “Ҳаракатлар стратегияси” ҳамда “Тараққиёт стратегияси” да ҳам назарда четда қолмаганлигини эътироф этиш жоиз.

Бу бўйича Президентимиз Шавкат Мирзиёев асарлари ва нутқларида кўплаб масалалар ёритилган. Шунингдек президент қарор ва фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳам соҳадаги муҳим манбалар ҳисобланади. Мақолани ёритишда анализ, синтез каби илмий биллаш усулларидан фойдаланилди.

Муҳокама

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач соҳада катта ишлар амалга оширилди. Аммо соҳадаги ишларнинг оқибатларининг яхши натижалари кўринмади. Мулоҳаза юритар эканмиз рақамларга эътибор қаратсак Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритган 1991 йилдан 2008 йилгача шаҳар аҳолисининг ривожланиши ва ўсиши қишлоқ аҳолисининг ўсиш суръатларига нисбатан пастроқ эди. Шундай қилиб, шаҳар аҳолисининг улуши 1991 йилда 40,3% ни ташкил этди ва 2008 йилга келиб у 35,8% гача камайди.[3]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июлдаги Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» [1] ПҚ-120-сон қарорига биноан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13-мартдаги “Аҳоли пунктларининг маъмурий-ҳудудий тузилишини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги [2] ВМ-68-сон, 2021 22-февралда ўз кучини йўқотган қарорига қўра Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ аҳоли пунктларини шаҳар аҳоли пункти мақомини бериш мезонлари ишлаб чиқилди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида жами 4434,3 минг кишилик 965 та қишлоқ, шаҳар аҳоли пунктлари мақомини олди. Натижада, 2009 йилда шаҳар аҳолисининг улуши биринчи марта қишлоқ аҳолисининг улушидан ошиб кетди ва умумий аҳолининг 51,7 фоизини ташкил этди.

Шаҳарсозликнинг устувор вазифаси – аҳолини муносиб уй-жой билан таъминлаш мақсадида самарали уй-жой сиёсатини амалга оширишдир. Ўша йилларда республикада аҳолини уй-жой билан таъминлаш даражаси сезиларли даражада ошмади.

Шундай қилиб, 2001 йилда бир кишига уй-жой билан таъминлаш ўртача 13,8 м² ни ташкил этди, 2010 йил 1 январ ҳолатига – 14,9 м², 2016 йилда – ҳар бир кишига 15,4 квадрат метрни ташкил этди. Натижада уй-жойларга бўлган эҳтиёж ортди.

2017 йилдан бошлаб ҳозирги кунгача Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қишлоқ жойлари аҳолисига эътибор қаратиб, аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш бўйича фаол сиёсат олиб бормоқда. Бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Осиё тараққиёт банки иштирокида 2017—2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларида [4] акс этди.

2016 йилги Давлат дастурида намунавий лойиҳалар асосида 13 мингта уй-жой барпо этиш кўзда тутилди. «Обод қишлоқ дастурини 2018 йилда амалга оширилишини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги президент фармонида арзон уй-жойлар қуриш назарда тутилди.

Бундан ташқари, фармонларга биноан, турар-жой бинолари қуриш билан бир қаторда, қишлоқ жойларда яқка тартибдаги уй-жойларда муҳандислик-транспорт инфратузилмасини қуриш ишлари олиб борилмоқда. Таъкидлаш жоиз уй-жой сиёсатини амалга оширишга йўналтирилган ёндашув аҳоли фаровонлигини оширишнинг калитидир.

Бироқ, аҳолининг уй-жой фонди нисбатан юқори бўлганлиги ва кўрилган чораларга қарамай, ипотека кредитлашнинг юқори фоиз ставкаси туфайли, айниқса, янги бинолардан квартираларни сотиб олишда қийинчиликлар мавжуд. Кредит фоиз ставкалари 18-24%, баъзиларида эса ҳолларда у 28% га етади. Ва иккиламчи уй-жой бозорида ипотека кредитини бериш амалиёти (мақбул нарх туфайли) яқин вақтгача амалга оширилмаган ёки алоҳида ҳолатлар мавжуд.

Урбанизация жараёнларини режалаштиришда демографик омилни ҳисобга олиш зарур. Ёш оилаларга эътибор қаратиб, никоҳлар сонига ва янги оилаларни шакллантиришга эътиборни оила ва никоҳ тузилишининг минтақавий хусусиятлари контекстида алоҳида кўриб чиқиш керак. Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида, шунингдек Сирдарё вилоятида никоҳлар сони амалдаги даражада сақланиб қолади ва келажакда ҳатто маълум даврларда камаяди.

Андижон ва Самарқанд вилоятларида никоҳлар сонининг сезиларли даражада кўпайиши кузатилади ва шу сабабли янги ёш оилалар бутун узоқ муддат давомида. Шунини ҳам ҳисобга олиш керакки, 34 ёшгача бўлган оилаларнинг деярли 46 фоизда камида 3 фарзанд бор ва бу табиийки катта яшаш майдонини эгаллайди. Ўртача, агар бир кишига уй-жой етказиб бериш умумий майдоннинг 15,4 м² майдонига тўғри келса, уларнинг ҳаммаси ҳам «турар-жой» қисми эмаслигини ҳисобга олсак, фаровонлик

даражасини ошириш учун турар-жой биноларини режалаштириш коэффициентини тўғри ҳисоблаш керак.

Узоқ муддатли истиқболда урбанизация жараёнларининг кутилаётган фаоллашуви, бир томондан, республикадан ташқарида аҳолининг миграция оқимининг барқарорлашиши, бошқа томондан, барқарор иқтисодий ўсиш, амалга ошириш билан боғлиқ бўлади. Жумладан иқтисодиётни таркибий ўзгартиришлар ва модернизация қилиш стратегиялари, хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ва хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ҳамда технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тезлаштириши даркор.

Шуни таъкидлаш керакки, янги шаҳарларни яратиш ва режалаштириш мавжуд шаҳарларнинг муаммоларини ҳал қилиш билан бирга кетиши керак. Ишдан чиқаётган эски уй-жой фонди, коммунал хизматлар билан тўлиқ таъминлаш, ижтимоий инфратузилма ва шаҳар бошқарувини яхшилаш, технологияларни ривожлантириш, табиий ресурслардан ва интеллектуал салоҳиятдан оқилона фойдаланиш, бу мамлакатда барқарор иш ўринларини яратишни ва бошқаларни назарда тутати. Юқоридагиларни инобатга олсак давлатнинг урбанизацион сиёсатида янги босқич бошлаш зарурлиги маълум бўлади.

Бу каби ишларни амалга ошириш мақсадида бошланган Обод маҳалла ва обод қишлоқ дастурларининг бажарилишида муаммоларни бартараф этиш ва янгича йўналишларни амалга ошириш даври келди.

Ушбу дастурларни бажариш мақсадида ҳар йили давлат бюджетидан миллиардлаб маблағлар ажратилмоқда. Сифатли уй-жойлар қуриш бўйича топшириқлар берилмоқда, аммо соҳада коррупциянинг мавжудлиги ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш имкониятини йўққа чиқармоқда. Жумладан 2022 йилнинг дастлабки 9 ойи мобайнида юклатилган вазифа ва топшириқлар ижросида камчиликка йўл қўйган ва ўз вазифасини лозим даражада бажармаган 427 нафар масъуллар интизомий ва 724 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди, 3040 нафар шахс расман огоҳлантирилди.

“Қурилиш сифати ва иш ҳажмларини тўлиқ бажарилиши ўрганилиб, 1553 та ҳолатда сифатсиз бажарилган 32,3 млрд сўмлик ҳамда 793 та ҳолатда ҳисоботларга қўшиб ёзилган 37,9 млрд сўмлик ишлар бартараф эттирилиши орқали келиб чиқиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олди олинди”, - деди Абдураҳим Муҳиддинов. Кўриниб турибдики соҳада гегемонизм элементлари мавжуд. Гегемонизм - моҳиятан дунё барқарорлигига йўналтирилган ёки бунга хизмат қилиши керак бўлган жаҳон сиёсатига зид ҳодиса бўлиб, ижтимоий тараққиёт, жамият барқарорлиги ва хавфсизлигини издан чиқаради... Гегемонлик ҳеч қачон умумбашарий ривожланиш ишига хизмат қилмаган. Лекин ҳозирги нозик даврда унинг салбий таъсири янада яққолроқ сезилмоқда.[5; 83] Буни бош прокуратура вакилининг қуйидаги фикрлари исботлайди. Унга кўра объект пудратчисини танлашдаги коррупция ҳолатларини олдини олиш мақсадида пудратчиларнинг рейтингини ҳаққоний тарзда, инсон омилсиз аниқлаш ва тендер ўтказишда адолатли рақобат муҳитини таъминлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилиб, ҳукумат томонидан ушбу таклифларни амалиётга татбиқ этиш чоралари кўрилади.

Соҳадаги коррупцияларни йўқотиш мақсадида қатор ишларни амалга ошириш даркор. Барча ишларни электронлаштириш, хусусан тендерларни. Соҳада олиб борилаётган ислоҳотларга асос сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини мисол келтириш мумкин. Ушбу фармонда мамлакатимиздаги сўнги беш йилда шаҳарлаштириш сиёсатида олиб бориладиган энг устивор вазифалар белгилаб берилган. Жумладан

14 та ҳудуд бўйича туман ва шаҳарлар кесимида ишлаб чиқилган беш йиллик ҳудудий дастурларни амалга ошириш;

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш рейтинг кўрсаткичлари «қониқарсиз» бўлган шаҳар ва туманлар бўйича амалий чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Ҳудудларда аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш учун урбанизация сиёсатини янада такомиллаштириш;

Самарқанд ва Наманган шаҳарларини истиқболда «миллионлик шаҳарлар»га айлантириш бўйича чоралар кўриш;

450 минг аҳолига мўлжалланган Янги Андижон шаҳрининг дастлабки бир нечта мавзеларини қуриб, фойдаланишга топшириш;

Қашқадарё вилоятининг урбанизация даражасини 50 фоизга етказиш;

Шаҳарлардаги аҳолининг турмуш тарзи қулайлигини баҳоловчи «Шаҳарлар қулайлиги» индексини жорий этиш;

Шаҳарларни рақамлаштириш, қурилиш ва лойиҳалаштириш ишлари сифатини ошириш ва «Ақлли шаҳар» концепциясига мувофиқ ривожлантириш;

Олий таълим муассасаларида архитектура-қурилиш соҳасида олиб борилаётган илмий изланишларни амалиёт билан уйғунлаштириш;

Аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш тизимини тубдан такомиллаштириш ва шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминлаш дастурини ишлаб чиқиш, амалга ошириш;

Аҳолини жойлаштиришнинг бош схемасини ишлаб чиқиш;

Реновация ва уй-жойлар дастурлари асосида шаҳарларда эскирган уйлар ўрнига 19 миллион квадрат метрдан ортиқ замонавий уй-жойларни барпо этиш;

Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳар ва туманларда экологик аҳволни яхшилаш,

«Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳар йил камида 200 миллион туп дарахт экиш.

«Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси ташаббусларига мос тарзда республиканинг 10 та ҳудудида аэробиологик мониторинг тизимини йўлга қўйиш.[6]

Маиший чиқиндиларни йиғишни 100 фоизга, уларни қайта ишлаш даражасини 2026 йилга қадар 21 фоиздан 50 фоизга етказиш.

Тошкент шаҳрини аҳолига қулай, экологик тоза ва яшаш учун барча имкониятлар мавжуд бўлган ҳудудга айлантириш, кўкаламзорлаштириш даражасини 30 фоизга етказиш.

Шаҳар ва туман марказларида ҳар 50 — 100 минг аҳоли учун «жамоат парклари»ни ташкил этиш.

Хулоса

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки шаҳарлар экологиясини асраш ва ривожлантириш нафақат мутасадди ташкилотлар, балки ҳар бир фуқаронинг зиммасидадир. Унинг асосини дарахт ва буталар ташкил этишини инobatга олсак, дарахтларнинг қайси турлари кўпроқ шаҳарга мос келишини аниқлаш биологлар зиммасидадир. Фуқароларимиз тафаккур тарзини ўзгартиришимиз, юзага келаётган муаммоларга нисбатан дахлдорлик хиссини туйдиришимиз, уларнинг ҳаётида шаҳар ва унинг имкониятлари чексиз эмаслигини тушунтиришимиз, худо берган неъматлардан унумли фойдаланишга ўргатишимиз керак бўлади. Зеро тафаккурнинг ўзгариши барча муаммоларга реал кўз билан қараш ва уларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Adabiyotlar/Литература/References:

1. <https://lex.uz/docs/659637>
2. <https://lex.uz/docs/1486944>
3. Ибадулла Байджанов, Махмуд Самандаров МУЛОҲАЗА: иқтисодий урбанизация. Ўқув қўлланма
4. <https://lex.uz/docs/4931596>
5. Фалсафа. Қомусий луғат, Тошкент: Шарқ, 2004. –Б.494
6. <https://lex.uz/docs/5841063>

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Махсус сон

№ S/2 (3) – 2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

Специальный выпуск

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES Special Issue

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM" масъулияти чекланган жамият

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).